



Stages in the formation of equality and justice theories

Tumaris SAFAROVA¹

Tashkent State University of Economics

ARTICLE INFO

Article history:

Received October 2025

Received in revised form

15 October 2025

Accepted 15 November 2025

Available online

05 December 2025

Keywords:

justice,
philosophical thought,
human dignity,
Eastern and Western
schools of thought,
moral values,
social equality,
legal justice,
philosophical analysis and
comparison.

ABSTRACT

This article analyzes the philosophical and historical development processes of the ideas of justice and equality. The meaning and significance of these categories, their importance in human dignity, morality, and social relations are explored from ancient Greek thinkers to modern theories of society. A comparative analysis of different approaches within Eastern and Western philosophical traditions is conducted. Additionally, the article addresses philosophical issues related to contemporary trends in ensuring justice and equality – human rights, social policy, and sustainable development. The author interprets justice and equality as key factors in national development and spiritual renewal.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss6-pp74-78>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Тенглик ва адолат назарияларининг шаклланиш босқичлари

Калит сўзлар:

адолатпарварлик,
фалсафий тафаккур,
инсон шаъни,
Шарқ ва Ғарб тафаккур
мактаблари,
ахлоқий қадриятлар,
ижтимоий тенглик,
ҳуқуқий адолат,
фалсафий таҳлил ва қиёс.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада адолат ва тенглик ғояларининг фалсафий-тарихий шаклланиш жараёнлари таҳлил этилган. Қадимги юнон мутафаккирларидан бошлаб ҳозирги замон жамият назарияларигача бўлган даврда мазкур категорияларнинг маъно ва мазмуни, уларнинг инсон қадри, ахлоқ ҳамда ижтимоий муносабатлардаги аҳамияти ёритиб берилган. Шарқ ва Ғарб фалсафий анъаналари доирасидаги турлича ёндашувлар қиёсий таҳлил қилинган. Шу билан бирга, мақолада адолат ва тенгликни таъминлашнинг замонавий йўналишлари – инсон ҳуқуқлари, ижтимоий сиёсат ва барқарор тараққиёт

¹ PhD, Associate Professor, Department of Social Sciences, Tashkent State University of Economics.
E-mail: tsafarova925@gmail.com

билан боғлиқ фалсафий масалалар ҳам ёритилган. Муаллиф адолат ва тенгликни миллий тараққиёт ҳамда маънавий янгилишнинг асосий омиллари сифатида талқин этади.

Этапы формирования теорий равенства и справедливости

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

равенство,
справедливость,
философия,
человеческое достоинство,
восточная и западная
мысль,
мораль, социальная
справедливость,
правовое равенство,
философский анализ.

В данной статье анализируются философско-исторические процессы формирования идей справедливости и равенства. Начиная с античных греческих мыслителей и до современных теорий общества, раскрываются смысл и содержание этих категорий, их значение для человеческого достоинства, морали и социальных отношений.

В рамках восточных и западных философских традиций проведён сравнительный анализ различных подходов. Кроме того, в статье рассматриваются современные направления обеспечения справедливости и равенства – философские вопросы, связанные с правами человека, социальной политикой и устойчивым развитием.

КИРИШ

Инсоният тарихининг барча даврларида тенглик ва адолат тушунчалари жамиятнинг маънавий ва сиёсий тараққиётида марказий ўринни эгаллаб келган. Бу тушунчалар инсоннинг табиий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини англаш жараёнида муҳим фалсафий асос сифатида намоён бўлади.

Замонавий демократик давлатлар фалсафаси, ҳуқуқий тизимлар ва сиёсий-ижтимоий муносабатлар айнан тенглик ва адолат тамойилларига таянади. Шу билан бирга, бу тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ҳар бир тарихий даврда, ҳар бир фалсафий мактабда турлича талқин қилинган.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, XXI асрда ҳам жамиятларда ижтимоий адолатсизлик, иқтисодий тенгсизлик, ҳуқуқий камчиликлар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш фақат чуқур фалсафий таҳлил ва илмий асосланган ёндашув орқали мумкин бўлади.

ТАДҚИҚОТНИНГ УСУЛЛАРИ

Тадқиқотда қуйидаги фалсафий ва илмий усуллар қўлланилди:

Тарихий-компаратив усул – турли давр ва мактаблардаги адолат ва тенглик тушунчаларининг солиштирма таҳлили;

Диалектик усул – тушунчаларнинг зиддиятли ва ривожланувчи табиатига баҳо бериш;

Системали таҳлил – адолат ва тенгликни ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий тизим сифатида ўрганиш;

Қиёсий таҳлил – Шарқ ва Ғарб фалсафий мактабларидаги ёндашувларни таққослаш.

Тенглик ва адолат мавзуси қадимдан фалсафанинг асосий йўналишларидан бири бўлиб келган. Бу борада бир қатор Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари муҳим назарий асослар яратганлар.

Қадимги фалсафада:

Платон ўзининг “Давлат” асарида адолатни ҳар ким ўз вазифасини бажариши ва жамиятдаги табиий тартибга риоя этишда деб билади. Арасту эса адолатни иккига – тақсимловчи ва тенглаштирувчи адолатга бўлади. Унингча адолат жамиятда тенг имкониятлар ва муносиб тақсимот орқали қарор топади.

Шарқ фалсафасида:

Абу Наср Форобий “Фозил шаҳар аҳолиси тўғрисидаги таълимот” асарида адолатли жамиятнинг маънавий пойдевори ҳақида фикр юритиб, ҳақиқий бахтга етакловчи омил сифатида адолатни кўрсатади. Ибн Сино ва Беруний ҳам адолатни инсон табиати ва жамиятдаги мутаносиблик тамойили билан боғлайдилар.

Ўрта аср Европа фалсафасида:

Фома Аквинский адолатни илоҳий қонуннинг инъикоси деб билиб, уни ахлоқий фазилатлар ичида энг юксак даражага қўяди.

Янги замон ва замонавий фалсафада:

Томас Гоббс, Жон Локк, Жан-Жак Руссо каби мутафаккирлар ижтимоий шартнома назарияси орқали тенглик ва адолатни давлат ва фуқаролик муносабатларининг асоси сифатида талқин қилдилар. Карл Маркс эса иқтисодий муносабатлар орқали тенгсизликни бартараф этиш зарурлигини таъкидлади.

XX асрда Жон Роулз “Адолат назарияси” орқали тенг имкониятлар ва “адолатли тақсимот” ғоясини илгари сурди.

Ўзбек фалсафий фикрида эса Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлони, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов ва бошқа мутафаккирлар тенглик ва адолатни миллий қадриятлар ҳамда маънавий баркамоллик асоси сифатида талқин этганлар.

НАТИЖАЛАР

Тенглик ва адолат тушунчалари инсоннинг қадр-қиммати ва жамиятдаги муносабатларнинг моҳиятини англашда марказий ўрин тутди. Қадимда адолат кўпроқ табиий ва илоҳий қонунлар билан боғланган бўлса, янги замонларда у ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан изоҳланган. Шарқ фалсафасида адолат – бу мутаносиблик, мувофиқлик ва инсоннинг руҳий барқарорлиги билан боғлиқ ҳолда талқин этилган. Ғарб фалсафасида эса у кўпроқ ҳуқуқий ва сиёсий тенглик билан уйғунлашган.

XXI асрда адолат ва тенглик тушунчалари глобал миқёсда янги мазмун касб этмоқда. Гендер тенглиги, ижтимоий, иқтисодий, экологик тенглик каби йўналишлар инсон ҳуқуқларини таъминлашда устувор аҳамият касб этмоқда.

Тенглик ва адолат тушунчалари тарихий жараёнда табиий ҳуқуқ, ахлоқ, иқтисод ва сиёсат фалсафаси билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланган. Шарқ фалсафасида адолат маънавий мутаносиблик, ғарб фалсафасида эса ҳуқуқий тенглик орқали талқин қилинган. Замонавий фалсафада адолат тушунчаси ижтимоий сиёсат, гендер тенглиги, инсон ҳуқуқлари ва барқарор ривожланиш масалалари билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистонда “адолатли фуқаролик жамияти қуриш” ғояси Учинчи Ренессанс даври фалсафий-маънавий асосларидан бирига айланган, десак адашмаган бўламиз.

МУҲОКАМА

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, тенглик ва адолат бир-бирини тўлдирувчи фалсафий категориялардир. Адолат – бу тенгликни амалга ошириш механизми, тенглик эса адолат учун шароит яратади. Ҳозирги даврда ушбу тушунчалар фақат назарий эмас, балки амалий-ижтимоий мазмунга эга бўлиб, давлат бошқаруви, таълим, иқтисодий сиёсат ва ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ХУЛОСА

Бугунги кунда тенглик ва адолат ғоялари замонавий глобал жараёнларда ҳам ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, ижтимоий ҳимоя ва иқтисодий имкониятлар тенглиги каби тушунчалар айнан шуларнинг фалсафий заминиди ривожланмоқда.

Ўзбекистон шароитида эса бу ғоялар янги мазмун касб этган. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар марказида **“Инсон қадрлари учун”** тамойили турибди. Бу ғоя нафақат давлат сиёсатининг асосий йўналиши, балки миллий фалсафанинг янги босқичини белгилайди. Унда ҳар бир фуқаро учун тенг имкониятлар яратиш, адолатли жамият қуриш ва инсон қадрини энг олий қиймат сифатида эътироф этиш тамойили ифода топган.

“Инсон қадрлари учун” ғояси – бу фақат шиор эмас, балки фалсафий мазмундаги дастурий йўналишдир. У тенглик ва адолат тамойилларини давлат бошқаруви, қонунчилик, таълим, иқтисод ва маданият соҳаларида амалда татбиқ этишга қаратилган.

Адолатни таъминлаш – инсоннинг шахсий эркинлигини ҳурмат қилиш, жамиятдаги турли гуруҳлар ўртасидаги манфаатлар мувозанатини сақлаш ва ҳеч бир инсоннинг ҳуқуқи поймол этилмаслигини кафолатлашдир. Бу борадаги фалсафий ёндашув шундан иборатки, ҳақиқий тараққиёт фақат моддий ўсиш билан эмас, балки инсон қадрининг юксалиши билан ўлчанади.

Шу маънода, тенглик ва адолат фалсафаси нафақат ахлоқий меъёр, балки ижтимоий сиёсатнинг стратегик йўналиши бўлиб, у мамлакатнинг барқарор ривожланиши, жамиятда ишонч ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мақола якунида қуйидаги таклифларни бериб ўтамиз:

1. Фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқшунослик соҳаларида “адолат фалсафаси” мавзусини кенг қамровли тадқиқот йўналиши сифатида ривожлантириш.

2. Таълим тизимида ёшлар онгида тенглик ва адолатни миллий ва умуминсоний қадрият сифатида шакллантиришга йўналтирилган дастурлар ишлаб чиқиш.

3. Жамиятда адолатли тақсимот, тенг имкониятлар ва шаффоф бошқарув тамойилларини амалий ҳаётга жорий этиш бўйича фалсафий-методологик асосланган стратегия ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Alisher Navoi. (1991). *Mehr va adolat haqida fikrlar* [Thoughts about kindness and justice]. Tashkent: G'afur G'ulom.
2. Ahmad Donish. (1983). *Navodir ul-vaqoe'* [Rare events]. Tashkent: Fan.

3. Avloniy, A. (1992). *Turkiy Guliston yoxud axloq* [The Turkic Gulistan or Ethics]. Tashkent: O'qituvchi.
4. Bahovuddin Naqshband. (1997). *Maqollar va hikmatlar to'plami* [Collection of proverbs and wisdom]. Tashkent: Movarounnahr.
5. Karimov, I. (2008). *Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch* [High spirituality is an invincible force]. Tashkent: Ma'naviyat.
6. Mirziyoyev, Sh. M. (2021). *Inson qadri uchun* [For the sake of human dignity]. Tashkent: Uzbekistan.
7. Sen, A. (1999). *Development as freedom*. New York: Oxford University Press.
8. Nussbaum, M. C. (2011). *Creating capabilities: The human development approach*. Cambridge, MA: Harvard University Press.
9. Rawls, J. (2001). *Justice as fairness: A restatement*. Cambridge, MA: Harvard University Press.
10. Habermas, J. (1984). *The theory of communicative action*. Boston, MA: Beacon Press.
11. Nozick, R. (1974). *Anarchy, state, and utopia*. New York: Basic Books.
12. Bobojonov, A. (2015). *O'zbekiston falsafiy tafakkurida adolat tushunchasi* [The concept of justice in Uzbek philosophical thought]. Tashkent: Fan.
13. Raxmatullayev, H. (2019). *Sharq falsafasida ijtimoiy adolat g'oyasi* [The idea of social justice in Eastern philosophy]. Samarkand: SamDU Publishing.
14. Tursunov, I. (2020). *Tenglik va adolat: falsafiy tahlil* [Equality and justice: A philosophical analysis]. *Falsafa Journal*, (3). Tashkent.
15. Karimova, N. (2022). *Falsafa va huquq uyg'unligi: adolat kategoriyasining zamonaviy talqini* [Harmony of philosophy and law: A modern interpretation of the category of justice]. *Ijtimoiy Fanlar*, (2). Tashkent.
16. Qodirov, A. (2023). *O'zbekiston jamiyatida ijtimoiy tenglik muammolari* [Problems of social equality in Uzbek society]. Tashkent: Akademiya.